



140

Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилоят  
ҲОКИМИ

Х О К И М  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

## Қ А Р О Р — П О С Т А Н О В Л Е Н И Е

3 йил „ 25 “ февраль

№ 48-Қ

Жамоат ва давлат хўжаликлари-  
нинг ички қурилиш иншоот-  
лари учун ер ажратиш тўғри-  
сида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонунига асо-  
сан жамоат ва давлат хўжаликларининг ички қурилиш иншоотларига  
ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Оқдарё, Гўзалкент, Тайлоқ  
район ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб  
Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Оқдарё, Гўзалкент, Тайлоқ район ҳокимларининг жамоат ва  
давлат хўжаликларининг ички қурилиш иншоотлари учун ер майдонини  
ажратиш тўғрисидаги қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Оқдарё, Гўзалкент, Тайлоқ район ҳокимларига жамоат ва  
давлат хўжаликларининг ички қурилишлари учун қишлоқ хўжалигида  
фойдаланиладиган ерлар ҳисобидан ажратилган ерларни янги ер очиш  
ҳисобига қоплаш тадбирларини кўриш юклатилсин.

Вилоят ҳокими

*П.М. Абдурахмонов*  
П.М. Абдурахмонов

